



Ҳайдарбек Назирбекович
БОБОБЕКОВ

ФАРҒОНА ФОЖИАСИ КУНДАЛИГИ



КУТУБХОНАСИ

КИТОБЛАР

НОЎБ

ҲАЙДАРБЕКНИНГ

ТУРОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МАХПИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ
ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ ИНСТИТУТИ

Хайдарбек Назирбекович БОБОБЕКОВ

ФАРҒОНА ФОЖИАСИ
КУНДАЛИГИ
(1989 йил)



Тошкент – 2018

УЎК: 94 (575.12)
КБК 63.3 (5Ў)
Б-79

Б-79 **Ҳ.Н.Бобобеков. Фарғона фожиаси кундалиги**
(1989 йил). –Т.: «Fan va texnologiya», 2018, 316 бет.

ISBN 978–9943–11–743–3

Ушбу китобда 1989 йили Фарғона водийсида қора кучлар томонидан месхети турклари ва ўзбеклар ўртасида қонли фожа уюштирилганлиги ҳақида баён этилади. Бу даҳшатли фожа натижасида иккала томондан бегуноҳ одамлар ҳалок ва ярадор бўлдилар. Китобда шулар ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритилган.

Китоб ҳокимлар, тарихчилар, юристлар, милиция ва матбуот ходимларига ҳамда сиёсий партия раҳбарларига мўлжалланган.

УЎК: 94 (575.12)
КБК 63.3 (5Ў)

Масъул муҳаррир:

Ҳалимбой БОБОЕВ – Турон ФА академиги, юридик фанлари доктори, профессор.

Илмий муҳаррир:

Анвар ҲАМРОЕВ – Турон ФА академиги, юридик фанлари доктори.

Тақризчилар:

Турон ФА академиклари: тарих фанлари доктори, профессор **Шоҳиста ЎЛЖАЕВА**, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, шоир, публицист **Абдулла ЖАЛИЛ** ва **Нодира АЗИМОВА**.

ISBN 978–9943–11–743–3

© Fan va texnologiya” нашриёти, 2018;
© Турон Фанлар академияси,
Махпират номидаги Ўрта Осиё
халқлари тарихи институти, 2018;
© Ҳ.Н. Бобобеков, 2018.



БУ ЕРДА ЭЛ-ЮРТ УЧУН, АДОЛАТ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ УЧУН ШАҲИД БЎЛГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЁДГОРЛИК ЎРНАТИЛАДИ...

1992 йил июнь. И. КАРИМОВ

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Маълумки, 1989 йил ёзида Фарғона вилоятида турк месхетилар билан ўзбеклар ўртасида қонли тўқнашувлар уюштирилди. Сўнгра кўплаб мақолалар ёзилиб ўзбеклар номини булғашди. Ўша даврдаги партия ва ижроқўм ходимлари ўзларини оқлаш учун, ўтирган лавозимларини йўқотиб қўймаслик сабабли кўплаб далилларни яширишди ва йўқ қилиб ҳам юборишди. Бўлган воқеаларга холисона баҳо беришмади. Аммо шу кунгача унинг ташкилотчилари, тарихий илдизлари илмий равишда очиб берилмади. Фарғона фожиаси кундалиги ҳам ёзилмади. Интернетда эса, шу кунга қадар, кўплаб фото ва мақолалар эълон қилинмоқда. Асосан, ўзбеклар ёмонланган. Фотолар фақат турк месхетилар ҳақида. Бирорта жабрланган ўзбекларнинг фотолари берилмаган. Интернетдаги мақола ва фотоларни кўрганларнинг тасаввурида ўзбеклар айибдор бўлиб кўринади. Ахир, ўша месхетиларни ўлимдан қутқариб, ўз уйларида яширган кўшнилари ўзбеклар-ку! Қолаверса, райком, горком ва обком партия биноларига яширинган турк месхетиларга биринчи ёрдам берганлар ҳам ўзбеклар-ку. Яна турк месхетиларни химоя қилган милиция ходимларнинг кўпчилиги ҳам ўзбеклар-ку! Нега уларнинг миллатини ёзишмайди? Сабаби нимада!?

Содир этилган қонли тўқнашувни бир тартибга солиб кўрилмагунча унга баҳо бериш ҳам қийин бўлади. Шунинг учун келгуси тадқиқотчиларга озгина ёрдам бериш ниятида, кўлимда мавжуд бўлган манбалар архивимда қолиб кетмасин деб, уларни тартибга солиб ушбу китобни 2007 йили ёзиб, оз нусхада “хизматда фойдаланиш учун” ўзбек ва рус тилларида чоп этган эдим. 2010, 2011 ва 2012 йилларда яна оз нусхада ўзгартирмасдан қайта нашр этдим.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдур”¹ номли китоби нашр этилиши ва унда Фарғона фожиасига ҳам алоҳида эътибор берганлиги муносабати билан “Фарғона фожиаси кундалиги”ни қайта кўриб чиқиб нашр этишни лозим топдим.

Ислон Каримов Фарғона фожиаси ҳақида бундай дейди: “Ўзингиз айтинг, азизларим, 1989 йилнинг май ойида Фарғонада, Қувасойда бўлиб ўтган қонли воқеаларга нима сабаб бўлган эди? Ана шундай адолатсиз сиёсат эмасми?”

Буни қарангки, ўша пайтдаги республика раҳбари бўлган одам бу воқеаларга катта минбардан туриб баҳо берар экан, бу бир тарелка қулупнай устида бўлиб ўтган жанжал, безовта бўлишга ҳам арзимамайди, хотиржам бўлинглар, ҳаммаси жойида, деган ёлғон гаплар билан ҳақиқатни яшириб, бутун дунёга шарманда бўлган эди.

Аслида эса юртимизда вазият жар ёқасига келиб қолган, одамларнинг сабр косаси тўлган, уларнинг турмуш шароити жуда оғир эди. Буни яшаш даражаси бўйича Ўзбекистон ўн бешта республика ичида энг пастки ўринларга тушиб қолгани, уч-тўрт-талаб оила каталакдек ҳовлиларда тиқилиб яшагани, ишсизлик, оналар ва болалар ўлими кескин ошиб кетгани ҳам тасдиқлайди.

Ана шундай адолатсиз шароитда азалдан чидамли халқимизнинг ҳам тоқати тоқ бўлдики, энди уни ушлаб, тўхтатиб турадиган кучнинг ўзи йўқ эди.”²

Яна Ислон Каримов Ўзбекистондаги вазият ҳақида фикр юритиб “Мустақилликни қўлга киритиш остонасида турган дамларимизни ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, бутун Ўзбекистонни, керак бўлса, Ўрта Осиёни портлатиб-ёндириб юбориши мумкин бўлган собиқ Иттифоқни ларзага солган, “Фарғона фожиаси” деб ном олган машъум воқеаларни хаёлимизга келтирайлик”, деб ёзади китобда.³

Ўша фожа кунлари мен Тошкентда эдим. Тарихчи сифатида

¹Ислон Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдур. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2015.

² Ислон Каримов. Ўша китоб. 82–83-бетлар.

³Ислон Каримов. Ўша китоб. 86-бет.

тезда Қўқон, Марғилон, Фарғона шаҳарларга ҳамда районларга бориб, ўз кўзи билан кўрган ва қатнашган ходимлардан фожиа ҳақида расмий ва норасмий маълумотлар тўпладим ва бир неча мақолаларни “Фан ва турмуш” журналида эълон қилдим.¹ Мақолаларимдаги маълумотларни текшириш учун ҳукумат томонидан махсус гуруҳ тузилди. Бу гуруҳ мени ўз йиғилишига таклиф қилиб, мақоламда келтирилган маълумотларни исботлаб беришимни талаб қилишди. Чунки менда кўрсатилган фожиадаги рақамлар расмий рақамлардан анчагина кўп эди. Масалан, биргина Қўқонда ҳалок бўлганлар сони менинг мақоламда кўрсатилган рақам расмий маълумотдан анча фарқ қилар эди. Мен ҳалок бўлганларнинг фамилия ва исмлари билан ва ярадор бўлганлар сони ҳақида расмий маълумот ва далиллар билан ҳақ эканлигимни исботлаб бердим.

Яна бир масала – ушбу китобда фойдаланилган айрим мисоллар тўғрисида. 1989 йилги Фарғона фожиаси ҳақидаги кўп маълумотларни газета, журнал ва бошқа манбалардан кўчириб олган эдим, аммо, айрим ҳолларда, газета ва журналларни сони, кун, ой ва йилларини ҳам ёзиб олишга улгурмаган эдим, қалам ва ручкаларда ёзиб қўйганларим эса вақт ўтиши билан баъзи-бири хираллашиб ёки ўчиб кетди. Шунинг учун айрим “сноска”ларни қўйишга имкон бўлмади. Юқоридаги ҳолни эътиборга олиб ва айримлар мени плагиаторликда айибламасликлари учун, ушбу асаримни илмий тадқиқот иш эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчиман ва кўрган-билганларим ҳақида эсдаликлар деб қабул қилишларингни истар эдим. Ваҳоланки, янги ва биринчи даражали манба ролини ўйнайдиган кўпгина маълумотлар ҳам мавжуд. Шу билан бирга, айрим маълумотлар рус тилида ёзилган бўлиб, уларни ўзбек тилига таржима қилмасдан асл матнида ишлатмоқдаман. Чунки китоб ҳокимлар, тарихчилар, юристлар, милиция ва матбуот ходимларига ҳамда сиёсий партия раҳбарларига мўлжалланган. Улар эса рус тилини яхши билишади ва амалий фаолиятлари учун ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишар деб умид қиламан.

¹ Бобобеков Ҳ. Н. Хўқанди латиф тупроғидаги фожиалар// Фан ва турмуш, 1989 йил, 11-сон; Фарғона фожиалари кундалиги//Фан ва турмуш, 1990 йил, 4–5 сонлар.

“ФАРҒОНА ФОЖИАСИ КУНДАЛИГИ. 1989” КИТОБИНИ ЎҚИБ. ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА. ТАҚРИЗ

Тарих фанлари доктори, академик Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ-нинг “Фарғона фожиаси кундалиги” китоби тарихий ҳамда сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамиятга моликдир. Бу китобнинг нашр этилиши нафақат Ўзбекистон Республикаси, балки хаҳон илм-фани учун ҳам катта воқеадир. Хусусан ҳозирги мустақиллик мафкурасини такомиллаштириш даврида, бутун халқимизнинг сиёсий онгини кучайтириш, ўзлигимизни таниб олишимизда ҳам ушбу китобнинг таъсири беқиёсдир.

Ўз тарихини билмаган, ўз душманларини танимаган халқнинг келажаги бўлмайди. Тарихдан беҳабар, кўзи бойланган йўловчига ўхшайди. Бундай йўловчи ўз манзилини топиб боролмаганидек, ўз тарихини билмаган халқ ҳам келажагини яратолмайди.

Келажак авлодларимиз ўтмишда халқимизқандай воқеаларни бошидан кечирганлигини билиши шарт. Шу сабабли 1989 йилда Фарғонада рўй берган фожиалардан халқимиз хабардор бўлиши ва ўзига зарур хулосалар чиқариб, сабоқ олиши зарур. Бундай китоблар оммавий нусхаларда босилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Тарих илми ҳақида гап кетганда тарих икки йўналишда яратилади. Биринчиси узоқ ўтмиш тарихи. Иккинчиси яқин ўтмишимиз тарихи. Ҳар икки тарихни ҳам яратиш қийин. Лекин иккинчиси биринчисидан қийинроқдир. Чунки яқин ўтмиш яъни ҳозирги замон тарихини яратиш тарихчи олимдан фидойиликни, жасоратни талаб қилади. Фарғона фожиаси кундалигини ёзиш, бу китобни яратиш, 1989 йилда тарихчи учун чинакам қаҳрамонлик бўлган. Б муаллифоммага оширган, шуни чинакам миллий қаҳрамонлик, деб баҳолаш мумкин. Ҳақиқатда ҳам шундай. Бу гапда ҳеч қандай муболаға йўқ. Чунки китоб муаллифи собиқ шуро давлати қасддан сиёсий ифвогарликларни ташкил этиб, қонли воқеаларни келтириб чиқарганда муаллиф қўл қовуштириб, оддий томошабин бўлиб ўтирмаган.

У тарихчи олим сифатида тоталитар тузум қилмишларини, халқимизга нисбатан ўтказган зулминини кундалик ахборотлар асосида тўплаб, илмий жиҳатдан асослаб, келажакка қолдириш тадбирларини кўрган. Шу нуқтаи назардан олганда муаллифнинг

халқпарвар, ватанпарвар, маърифатпарварлигини ҳис этиш мумкин. Бундай китоблар ва уларнинг муаллифлари давлат томонидан тақдирланиши лозим бўлади.

Гап шундаки, 1989 йил воқеаларига, бу воқеаларни қайд этган жонқуяр олим меҳнатига собиқ шўро давлати мафкураси нуқтаи назаридан эмас, мустақил давлат, истиқлол мафкураси талабларидан келиб чиқиб баҳо берилиши керак. Ана шундай баҳо бу китоб учун адолатли бўлади.

“Фарғона фожиалари кундалиги” китобини нашр этиб, нашриёт айни халқимиз, барча зиёлиларимизнинг кўнглидаги ишни амалга оширган. Нашриётнинг бу ҳаракати таҳсинга лойиқдир. Яна шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, бу китоб барча илм аҳлининг энг ишончли қўлланмасига айланиб қолади.

Абдулла ЖАЛИЛ, Турон Фанлар академиясининг академиги, шоир, публицист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, “Туркистон – умумий уйимиз” халқаро конкурси махсус мукофотининг соҳиби.
19 сентябрь 2017 йил

ЎЗБЕКИСТОН ФАРҒОНА ФОЖИАСИ АРАФАСИДА

(Матн “Ички ва ташқи мафкуравий курашнинг тарихий илдизлари”
номли китобимиздан олинди)

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ҳолатини кўздан кечирарканмиз, айнан мана шу соҳанинг ҳукмрон тоталитар тузумнинг авантюристик ва ўзбошимчалик сиёсатидан энг кўп зарар топганлигини, унинг хунук оқибатларини ўзида синаб кўрганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин бўлади. Негаки, 20-йиллардан Комфирқа йўлбошчиси Ленин ишлаб чиққан бош социализм қуриш режасини реал ҳаётга «изчил татбиқ этиш» билан бошланган қишлоқ хўжалигини ялписига жамоалаштириш сиёсати ва унинг ҳалокатли ижтимоий оқибатлари хусусан ўзбек қишлоғи ва унинг миллионлаб аҳолисини не оғир аҳвол ва мислсиз кўргуликларга дучор этганлигини минг афсус билан тасаввур этиш мумкин.

Айниқса 30-йиллардан атайин кучайтирилган кенг жамоалаштириш жараёни, йирик колхозлар, совхозлар тузиш, уларнинг таркибига киришга ерли аҳолининг унинг хоҳиш-иродасига қармай ёппасига мажбур этилиши, бунга кўнмаган бой-бадавлат деҳқон хўжаликларининг қулоқ қилиб синф сифатида тугатилиши ёхуд ўз ери-мулкидан маҳрум этилиб бошқа кимсасиз жойларга, мамлакатнинг узок ҳудудларига бадарға этилиши охир-оқибатда қишлоқ ҳаётини остин-устун қилиб, уни ғариб, ночор аҳволга маҳкум этди. Бунинг устига кўп сонли деҳқон хўжаликлари ерсув, мулкдан жудо этилибгина қолмай, ундан эмин-эркин фойдаланиш, унга нима экиш, қандай ҳосил етиштириш имкониятидан ҳам маҳрум этилдилар. Уларнинг бу борадаги асрий бой тажрибаси, шахсий ташаббускорлиги, тадбиркорлиги, манфаатдорлиги, қизиқиши мажбурий тарзда сўндириб борилди. Бу нохуш жараён шўролар ҳокимияти даврининг бутун давомида ҳам бирдек ҳукм сурди. Ҳукмрон шўро мутасаддилари империачилик, улуғ давлатчилик манфаатларидан келиб чиқиб Ўзбекистонда пахта якка-ҳоқимлигини сурункали равишда бутун чоралар билан кучайтира бордилар. 50-йилларга келиб бу жараён янада авжга минди.

Хусусан, бу даврга келиб Марказий Фарғона, Мирзачўл зоналарида бепоён чўлли, сахроли тақир ерларни кенг режада ўзлаштириш, бу ерларда кўплаб йирик пахтачилик хўжаликларини таш-

кил қилиш, уларда доимий ишлаш учун маҳаллий тубжой аҳолини ўз истиқомат манзилларидан кўчириш сиёсати амалга оширилди. Республикада янгидан ўзлаштирилган Мирзачўл зонасида 1956 йилда Сирдарё вилоятининг ташкил этилганлиги, кейинчалик унинг сафига Жиззах вилояти шакллантирилиб, қўшилганлиги, уларнинг ҳудудларида кўплаб йирик пахтачилик совхозлари ташкил этилганлиги – булар Ўзбекистонда шўролар ҳокимияти махсус амалга оширган, пахта яккахокимлигини кучайтиришга йўналтирилган сиёсатнинг ёрқин ифодаси бўлган эди. Марказ ҳукумати ва унинг жиловбардори – ҳукмрон комфирқа юритган сиёсатга шу маънода тан бериш керакки, улар ўзбек халқининг азалдан анъанавий миллий машғулоти саналиб келинган пахтачилик соҳасини «рағбатлантиргандек», уни ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам бергандек ўзларини кўрсатиб, амалда бутун бир халққа шўролар мамлакатининг бутун пахта юкини юклаб, уни ҳар жиҳатдан оғир қисматга гирифтор этди. Бунинг натижасида ўзбек халқи номини не замонлар дунёга машҳур қилган муҳим зироатчилик соҳалари: ширин-шакар мева, полиз, сабзавот, соҳибкорлик, дончилик ва бошқа маҳсулотлар етиштириш аста-секин камайиб, қисқариб борди. Энг ачинарлиси шуки, халқимизнинг азалий машғулоти самараси бўлган бу хил маҳсулотларнинг кўпи бора-бора республикамизга четдан келтириладиган бўлиб қолди.

Гўё шўро ҳокимияти мутасаддилари ўзбекистонликларга: «Сизлар фақат пахтачилик соҳасини мўл-кўл етиштириш билан шуғулланаверинглар, сизларнинг эҳтиёжларингиз учун керакли озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни биз бошқа жойлар ҳисобидан таъмин этамиз», деган қабилда сиёсат юритилди. Ҳукмрон Марказ яратган «Ягона халқ хўжалик комплекси» занжирига бир халққа бўлиб уланган, инон-ихтиёрию, хоҳиш-иродаси бутунлай ўзгалар тасарруфида бўлган Ўзбекистоннинг иқтисодий-хўжалик ҳаёти мана шу зайлда бир ёқлама йўналишга қаратилган эди. Бунинг устига беҳудуд пахта майдонларини мунтазам равишда «ишлаш», об-ҳаёт билан таъминлаш борасида ҳам жиддий муаммолар йиллар давомида ортиб борганлиги, уларни ҳал этиш эса муттасил пайсалга солинганлиги, пировард натижада кўплаб ҳалокатли, асоратли оқибатларни келтириб чиқарди. Бунинг ёрқин кўринишлари сифатида Орол фожиасининг юзага келиши, атроф-муҳит



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/4494> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4494> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4494>